



THE CONCEPT OF THE INSTITUTION OF KHOKIMIYAT IN THE SYSTEM OF PUBLIC AUTHORITIES AND ITS DEVELOPMENT

Tursunov Mumin Marufovich ¹

¹ Tashkent State University of Public Administration Law, Master

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4742150>

ARTICLE INFO

Received: 20th April 2021

Accepted: 25th April 2021

Online: 30th April 2021

KEY WORDS

governance, reforms, legitimacy, principle, law, jurisprudence, international legal instruments

ABSTRACT

The article analyzes the concept of the institution of khokimiyat and the theoretical and legal aspects of its development in law and other normative legal acts. It also describes the mechanisms for organizing the development of the institution of khokimiyat on the basis of constitutional principles, and develops proposals and recommendations for the development of the institution of khokimiyat.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ҲОКИМЛИК ИНСТИТУТИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Турсунов Мўмин Маруфович ¹

¹ ТДЮУ Давлат Бошқарув Ҳуқуқи, магистр

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021

Ma'qullandi: 25-aprel 2021

Chop etildi: 30-aprel 2021

KALIT SO'ZLAR

ҳокимлик, ислохотлар, қонунийлик, тамойил, қонун, ҳуқуқ, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар

ANNOTATSIYA

Мақолада қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳокимлик институти тушунчаси ва унинг ривожланишининг назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил этилган. Шунингдек, ҳокимлик институтини ривожлантиришининг конституциявий принциплар асосида ташкил этишининг механизмлари ёритилиб, ҳокимлик институтини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Юртимизда мустақиллик йилларида маҳаллий давлат ҳокимияти ва вакиллик органларининг қонуний асослари бир-бири билан боғлиқ равишда, давлат ва жамият манфаатлари инобатга олинган ҳолда ривожланиб борди.

Аввало, «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ 1992 йилнинг январидан бошлаб вилоят, туман

ва шаҳарларда вакиллик органлари ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик институти жорий этилди.

Асосий қонунимизда маҳаллий ҳокимиятни ташкил этишининг конституциявий асослари белгилаб қўйилди. Унинг ХХI боби «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» деб номланиб, унда вилоят, туман ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек,



шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этишлари белгилаб қўйилди.

Маҳаллий ҳокимият органлари тизимини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу органларнинг асосини фуқаролар йиғинлари - маҳаллалар ташкил этади. Улар халқнинг тарихий анъаналари ва руҳиятини ҳисобга олиш асосида тузилади.

Ҳуқуқшунос А.Саидовнинг ёзишича, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иккига бўлинади: маҳаллий вакиллик органлари ва маҳаллий ижроия органлари. Маҳаллий вакиллик органлари ўз фаолиятини коллегиялик асосида олиб боради. Маҳаллий кенгашнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сессия ҳисобланади. Маҳаллий вакиллик органларининг ҳамма бўғинлари сайлов йўли билан ташкил қилинади[1].

1992 йил 4 январдаги қонун - ҳоким лавозимини таъсис этар экан, бунинг сабабини, ҳокимларнинг мавқеи, тизими, уларни ташкил қилиш тартиби, вазифасини белгилаб берди. Ҳамда Конституцияда ҳоким ўз фаолиятининг яккабошчилик асосида амалга ошириш ва ўзи раҳбарлик қиладиган органларининг қарорлари ва фаолияти учун ҳам шахсан жавоб бериши белгиланди. (103-модда)[2].

Қонунда ижро ҳокимиятини мустақамлашнинг асосий сабаби қилиб, иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш шароити кўрсатилди. Яъни бозор муносабатлари шароитида ижро аниқ бўлиши керак. Бўлмаса, сансалорлик, бошбодқлик вужудга келади. Бозор

муносабати янги-янги муносабатларни вужудга келтирди ва бу муносабатларни оқилона тартибга солиш учун эса албатта самарали ижро ҳокимияти бўлиши зарур эди.

Қонунда биринчи марта расмий қонун даражасида маҳаллий вакиллик ҳокимияти ва ижроия-бошқарув ҳокимияти эътироф этилди. Шу билан мустақил маҳаллий ижро ҳокимияти органлари вужудга келди. Ҳокимлар фақатгина ижро ҳокимияти органларигагина эмас, маҳаллий вакиллик органларига ҳам раҳбарлик қиладиган орган сифатида мустақамланди. Ҳокимлар вилоятларда, туманларда ва шаҳарларда таъсис этиладиган бўлди[3].

Ижро ҳокимияти органларида боғлиқликни кучайтириш мақсадида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Президенти томонидан, туман ва шаҳар ҳокимлари вилоят ҳокими томонидан лавозимига тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниши ҳамда бу масалалар тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланиши тартиблари белгиланди. Қонунда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва лавозимидан озод қилишга тегишли қонун қондалари қўлланилмаслиги кўрсатилган. Чунки, Тошкент шаҳар ҳокими Тошкент шаҳар аҳолиси томонидан сайланган эди.

Умуман олганда, бу қонун мустақил Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг бўлиниш принципларидан келиб чиқиб, янги шаклдаги (яккабошчилик асосида) мустақил ижро ҳокимиятини вужудга келтирди.

1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида» қонун қабул қилинди.

Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман



ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси деб белгилаб қўйилди[4].

Ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият органларига раҳбарлик қилиши баробарида, вакиллик органлари олдидаги масъуллиги белгиланди. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида вакиллик органлари, хусусан сиёсий партияларнинг маҳаллий бошқарувни амалга ошириш, хусусан ҳоким фаолияти ва қабул қилаётган қарорларига таъсири кучайиб бормоқда.

Ҳоким ҳудудда олий мансабдор шахс бўлиб, айти бир вақтда ҳудудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ўз ваколатларини яққабошчилик асосида амалга оширади. Ҳоким Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади.

Ижро ҳокимиятининг жойлардаги бўғини ҳам ҳисобланган Ҳокимлар Ўзбекистон Республикаси Конституция, қонунлари, Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари ҳамда юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва оқимларнинг қарорларини ижросини таъминлашга қаратилган[5].

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазибаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита

аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди. Бошқача айтганда, уларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодий бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди.

Қуйида ушбу изланишлар натижалари бўлган айрим таклиф ва тавсияларни келтирамиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунида қонуннинг мақсади, маҳаллий давлат ҳокимияти тушунчаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг асосий принциплари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган.

Иккинчидан, қонунни қуйидаги таҳрирда маҳаллий давлат ҳокимияти тушунчасига оид нормалар билан тўлдириш зарур.[6]

Учинчидан, қонунни алоҳида модда сифатида маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари фаолиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунийлик, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш, ошқоралик, ўз ваколати доирасида мустақиллик, масалаларни биргаликда ва эркин муҳокама қилиш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни ифода этиш каби асосий принципларни назарда тутувчи норма билан мустаҳкамлаш талаб этилади.

Тўртинчидан, қонуннинг IV бобини "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши фаолиятининг ташкилий шакллари" номли янги модда билан тўлдириш зарур.

Бешинчидан, Қонуннинг алоҳида моддаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жавобгарлиги ва ҳокимнинг жавобгарлиги, Халқ депутатлари кенгаши ва ҳоким ваколатларини муддатидан



илгари тугатиш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти депутатларининг таъсирини янада кучайтириш ҳақидаги нормаларни белгилаш зарур[7].

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз амалиётида «... узоқ тарихий тажрибаларга, миллий анъаналарга таянган ҳолда илғор мамлакатлар тажрибасидаги ижобий томонларни ўрганиб, ўзининг давлат идораларини тубдан қайта ташкил қила бошлади. Бу айрим ҳолларда илгаридан мавжуд бўлган давлат органлари (шакл жиҳатдан сақлаб қолиниб, янги шароитга мослаб сифат жиҳатдан ўзгартиришлар

киритиш натижасида янгиланган бўлса (масалан, маҳаллий вакиллик органлари), айрим давлат органлари, яъни ижро ҳокимияти органларининг мутлақо янги тури ҳокимликлар таъсис этилди»[8].

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда ҳокимлик институтининг жорий қилиниши мамлакатимизда маҳаллий давлат бошқаруви тизимини ислоҳ этишнинг муҳим босқичи бўлди ва жойлардаги ижро ҳокимиятини амалга оширишда самарали механизм сифатида ўзини тўла оқлади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Умидуллаев Қ. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва вакиллик органлари // *Huquq va burch* 2016 йил 11-сон, 56-58 бетлар. www.huquqburch.uz
2. Миллий қонунчилик базаси. www.lex.uz
3. *Mahalliy davlat hokimiyati organlari*. Maqola. www.uz.vikipediya. 26.11.2018
4. Миллий қонунчилик базаси. www.lex.uz
5. Жумаев Й. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳуқуқий ҳолати. Автореферат. -Т.: 2004. -24б.
6. Турғунов.О, Асадов.Ш, Бекчанов.Д, Ғайбуллаев.О. Маҳаллий бошқарув. Дарслик. Т.: 2017. 53– б.
7. Аvezов.Д. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари ўзаро муносабатларини янада такомиллаштириш .дис. 2016. 65–б.
8. Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. –Т.: «Шарқ», 1996, 5-б.